Ўзбекистон Республикаси
Бухоро вилояти
Ғиждувон тумани ҳокими
**Қ А Р О Р И**

O'zbekiston Respublikasi
Buxoro viloyati
Givduvon tumani hokimi
**Q A R O R I**

2017 йил 28 сентябрь Ғиждувон тумани 1482-сон

**2017 йилда тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда) Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ғиждувон туман Бандликка кўмаклашиш марказининг иш жойларининг энг кам миқдорини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори (квоталанган иш ўринлари) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан 821 кишини ташкил этадиган 7 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида, шу жумладан:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналар учун 29,1 фоиз (239 киши);

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилар учун 46,6 фоиз (382 киши);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 6,2 фоиз (51 киши);

ногиронлар учун 3 фоиз (25 киши);

туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун 1,9 фоиз (16 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун 3,8 фоиз (31 киши);

одам савдосидан жабрланганлар учун 1,5 фоиз (12 киши);

ижтимоиий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун 7,9 фоиз (65 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

4. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (А.Амонов)га бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига етказсин ва унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарор “Ғиждувон” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **М.Умаров**

Туман ҳокимининг 2017 йил "___" ___________________

__________ - сонли қарорига илова

## Корхона, ташкилот ва муассасаларда квоталанган иш ўринлари

| Т/Р | Корхона, ташкилот ва муассасалар номи ва тармоғи | Жами ишловчилар сони | Банд қилиб қўйилган иш ўринларининг жами | Шундан: Ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналар учун | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга, шунингдек олий ўқув юртларининг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилар учун | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун | Ногиронлар учун | Туман Бандликка кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун | Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун | Одам савдосидан жабрланганлар учун | Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари учун шу жумладан кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | **Саноат** | **5159** | **158** | **52** | **51** | **19** | **8** | **1** | **6** | **4** | **17** |
| 1 | "ҒИЖДУВОНПАХТАТОЗАЛАШ" очик турдаги акциядорлик жамияти | 763 | 38 | 12 | 10 | 4 | 1 | 1 | 6 | 2 | 2 |
| 2 | Навоий тоғ металургия комбинати 5-кон бошқармаси | 4312 | 116 | 40 | 41 | 15 | 3 | 0 | 0 | 2 | 15 |
| 3 | "ҒИЖДУВОН УКУВ ИШЛАБ ЧИКАРИШ КОРХОНАСИ" масъулияти чекланган жамияти | 59 | 3 | 0 | 0 | 0 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4 | Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти "ҚАЛБ НУРИ КАСАНАЧИ" масъулияти чекланган жамияти | 25 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | Қишлоқ хўжалиги | 304 | 17 | 5 | 5 | 2 | 1 | 1 | 2 | 1 | 0 |
| 5 | "Кишлокхўжаликкимё" худудий акциядорлик жамиятининг Ғиждувон туман филиали | 81 | 4 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 6 | "БУХОРО ПАХТА УРУҒЧИЛИК" масъулияти чекланган жамияти | 49 | 3 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 |
| 7 | "КЎКЧА" наслчилик ширкат хужалиги | 107 | 6 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 8 | "ҒИЖДУВОН ТУМАНИ АГРОМОНИТОРИНГ МАРКАЗИ" МЧЖ | 27 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9 | ҒИЖДУВОН ТУМАН ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ЛАБАРАТОРИЯСИ | 20 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 10 | "Ғиждувон Агропилла" МЧЖ | 20 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **Қурилиш** | **610** | **32** | **3** | **13** | **6** | **0** | **0** | **9** | **1** | **0** |
| 11 | "206-СОН ХЎЖАЛИКЛАРАРО КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННА" масъулияти чекланган жамият | 49 | 3 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 12 | Гиждуван туман йул хўжалик пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси | 69 | 4 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 1 | 0 |
| 13 | "ҚАРАҲОНИ МУКАММАЛ ҚУРИЛИШ" Ихтисослаштирилган Таъмирлаш Қурилиш хусусий корхонаси | 32 | 2 | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 14 | "ҒИЖДУВОН СТАНДАРТ ҚУРИЛИШ СЕРВИС" Ихтисослаштирилган Таъмирлаш Қурилиш корхонаси | 28 | 1 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 15 | "ОЛТИН ПЎЛОТ" хусусий корхонаси | 45 | 3 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| 16 | Ғиждувон техстрой прогрес плюс МЧЖ | 53 | 3 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 17 | "ҒОВШУН ҚУРИЛИШ МАНТАЖ" хусусий корхонаси | 47 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 18 | "ҒИЖДУВОН ЗАРАНГИРИ ҚУРИЛИШ" ихтисослаштирилган таъмирлаш қурилиш ташкилоти | 49 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 19 | "ТОШ ҒОЗИ ҚУРИЛИШ" ихтисослаштирилган таъмирлаш қурилиш ташкилоти | 49 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 20 | "АЗИМЖОН-СТРОЙ -СЕРВИС" масъулияти чекланган жамияти | 37 | 2 | 0 | 1 | | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |



| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 21 | "ФАХРИДДИН МЕХРИДДИН ФАЙЗ ПЛЮС" масъуляти чеклаrган жамият | 50 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 22 | "ҒИЖДУВОН ЗАМОНА ҚУРИЛИШ" масъулияти чекланган жамият | 45 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 23 | "ҒИЖДУВОН МУКАММАЛ ҚУРИЛИШ" ихтисослаштирилган таъмирлаш қурилиш ташкилоти | 36 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 24 | "ҒИЖДУВОН ЗАМОНА ҚУРИЛИШ" масъуляти чеклаrган жамият | 21 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| | **Соғлиқни сақлаш** | **2322** | **118** | **25** | **79** | **5** | **2** | **1** | **4** | **0** | **2** |
| 25 | Ғиждувон туман тиббиет бирлашмаси | 2117 | 106 | 21 | 74 | 4 | 2 | 1 | 2 | 0 | 2 |
| 26 | Ғиждувон туман санитария ва эпидемиология назорат маркази | 100 | 6 | 2 | 3 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 27 | Ғиждувон туман давлат ветеринария назорат бўлими | 81 | 5 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 28 | "ДИЛДОРА ДИЛОБАР" хусусий даволаниш диагностика маркази | 24 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **Савдо ва умумий овқатланиш** | **196** | **10** | **2** | **4** | **1** | **0** | **1** | **1** | **1** | **0** |
| 29 | "ГИЖДУВОН ДЕХКОН БОЗОРИ" очик турдаги хиссадорлик жамияти | 57 | 3 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 |
| 30 | "ХЎЖАИ-ЖАҲОН" савдо комплекси аксиядорлик жамияти | 50 | 3 | 1 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 31 | "САДБАРГ" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ | 25 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 |
| 32 | Ғиждувон омухта ем сотиш бирлашмаси МЧЖ | 22 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 33 | "Ғиждувонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати | 22 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 34 | "Нилунаб" хусусий ишлаб чиқариш ва савдо фирмаси | 20 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **Транспорт ва алоқа** | **148** | **8** | **1** | **4** | **2** | **0** | **0** | **0** | **1** | **0** |
| 35 | "ТЕХНИКА СЕРВИС" масъулияти чекланган жамияти | 58 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 36 | "БЕХРУЗ ТРАНС СЕРВИС"масъулияти чекланган жамияти | 21 | 1 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 37 | "ҒИЖДУВОН АВТО УСТОЗ" масъулияти чекланган жамияти | 24 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 |
| 38 | "ҒИЖДУВОН САНОАТ ТРАНС" масъулияти чекланган жамияти | 25 | 1 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 39 | "Автомобил Сервис" МЧЖ | 20 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | **Халқ таълими** | **9010** | **424** | **130** | **208** | **14** | **12** | **11** | **2** | **3** | **44** |
| 40 | Ғиждувон туман халк таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими | 32 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 41 | Ғиждувон тиббиёт коллежи | 190 | 9 | 2 | 4 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 1 |
| 42 | Ғиждувон саноат ва транспорт касб-хунар коллежи | 111 | 5 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 1 |
| 43 | Ғиждувон маиший хизмат касб-хунар коллежи | 181 | 8 | 2 | 3 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 |
| 44 | Ғиждувон қишлок хўжалик касб-хунар коллежи | 123 | 6 | 1 | 3 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 45 | Ғиждувон туман "АРМЕЧАН" маиший хизмат касб-хунар коллежи | 103 | 5 | 2 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 46 | Ғиждувон Иқтисодиёт коллежи | 97 | 4 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 47 | Ғиждувон туман қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи | 153 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 |
| 48 | Ғиждувон Педагокика колежи | 99 | 5 | 1 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 49 | Ғиждувон Агросаноат касб-хунар коллежи | 105 | 5 | 1 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 50 | Ғиждувон политехника касб-хунар коллежи | 130 | 7 | 1 | 3 | 0 | 0 | 1 | 0 | 1 | 1 |
| 51 | Ғиждувон туман қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи | 109 | 6 | 1 | 3 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 52 | Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Ғиждувон автомобил мактаби | 57 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 53 | Ғиждувон туман 1-сон ўрта умумий таълим мактаби | 116 | 6 | 2 | 2 | 0 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 |
| 54 | Ғиждувон туман 2-сон ўрта умумий таълим мактаби | 86 | 4 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 55 | Ғиждувон туман 3-сон ўрта умумий таълим мактаби | 166 | 6 | 3 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | |
| 56 | Гиждуван туман 4-сон ўрта умумий таълим мактаби | 123 | 6 | 2 | 3 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 67 | Ғиждувон туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимининг 68-сон "ПАРВОЗ" мактабгача тарбия муассасаси | 27 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 68 | Ғиждувон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 62-сон макктабгача таълим муассасаси | 23 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 69 | Ғиждувон туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш вўлимига қарашли 69-сон макктабгача таълим муассасаси | 22 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 170 | Ғиждувон туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимининг 72-сон "НОХОЛ" мактабгача тарбия муассасаси | 22 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 171 | Ғиждувон туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимининг 74-сон "ИШОНЧ" мактабгача тарбия муассасаси | 22 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 172 | Ғиждувон туман ҳокимлиги халқ таълими бўлимининг 76-сон "АЛПОМИШ" мактабгача тарбия муассасаси | 25 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | Бошқалар | 1077 | 54 | 21 | 18 | 2 | 2 | 1 | 7 | 1 | 2 |
| 173 | Ғиждувон давлат ўрмон хужалиги | 84 | 4 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 |
| 174 | Ғиждувон туман ҳокимлиги хузуридаги ободонлаштириш бошқармаси | 386 | 24 | 10 | 3 | 1 | 2 | 1 | 5 | 1 | 1 |
| 175 | "ТОШРАБОТ-ЖИЛВОН" ирригация тизими бошқармаси | 152 | 6 | 2 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 |
| 176 | Ғиждувон туман маданият ва спорт ишлари бўлими | 41 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 177 | Ғиждувон тумани Молия бўлими | 34 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 178 | Ғиждувон туман давлат солиқ бўлими | 96 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 179 | Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ғиждувон тумани бўлими | 28 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 180 | ТИФ Миллий банки Ғиждувон филиали | 39 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 181 | АТБ Агробанк Ғиждувон филиали | 44 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 182 | АТ Ҳалқ банки Ғиждувон филиали | 35 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 183 | АТБ Микрокредитбанки Ғиждувон филиали | 27 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 184 | "ГОРНЫЙ" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати | 21 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 185 | "Рушан Текс" МЧЖ | 59 | 3 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 186 | Ғиждувон туман "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр" давлат корхонаси | 31 | 2 | 1 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| | жами | 18826 | 821 | 239 | 382 | 51 | 25 | 16 | 31 | 12 | 65 |

Ғиждувон туман Бандликка
кўмаклашиш маркази директори: А.Амонов.